




Тошкентга (Бухородан) 1921 йил мартининг ё 17, ё 20 кунида кайтиб келдим. Кейинги куниёк, Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси раёса-тига бордим. У ерда мени Халк Маорифи Комиссариати хузуридаги Илмий кенгашга ишга тайинлашди.

Уч-тўрт кун ўтгач, Мусо Бегиев билан Садритдинхонни учратиб колдим, Садритдинхон Бухорога ташкилот низоми ва мухрининг юборилмаганлигини эслатиб, шундай деди: «Менда ташкилотнинг мухри ва низоми йўқ. Улар бошқа кишида эди. Шунинг учун уларни Сизга юборолмадим». Кейин у Мусо Бегиевга караб кулиб кўйди. Бу менга шубхали туюлди. Мен унга шундай деб маслахат бердим: «Хали ҳам кеч эмас, уларни топиб, Бухорога, Саъдулла Хўжага жўнатиш керак. Тошкент ўз ишини ташкилотнинг вилоят филиали сифатида давом эттираверади». Садритдинхон бунга рози бўлди.

Садритдинхоннинг атрофида шубхали кишилар — ЧК (фавкулудда комиссия — С. Х.) айгокчилари уймалашиб колганлиги сабаб, у билан учрашишнинг иложи бўлмади. Унинг олдида боришга чўчидим. Бир неча кундан сўнг 30 март бўлса керак, мени камокка олишди. Камалишимнинг сабабини мен бир ярим ойдан кейин Юсуфбек Курманбаев ва Ориф Каримовдан билдим. 1921 йил 1 декабрда мени озод қилишди. 23 декабрда бошқалар (Ю. Курманбаев, О. Каримов, Садритдинхон) устидан суд иши қўрилди. Камокдан чиққанимдан кейин Халк маорифининг Эски шаҳар бўлимида коллегия аъзоси ва Ижтимоий тарбия бўлими мудир бўлиб ишладим.

3—4 ой давомида менга ташкилот тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима демади. 1922 йилнинг апрел ёки майида Акбар Шомансур менинг олдимга келиб, ташкилот хали ҳам ўз ишини давом эттираётганлиги, мен ҳам унинг сафида бўлишим зарурлигини айтди. Мен унга шундай дедим: «Бўлиб ўтган воқеадан (камалганлигини назарда тутмоқда) кейин менда ҳеч қандай ҳафсала қолмади, шунинг учун мени ташкилот ишига аралаштирмаслигини илтимос қиламан» [36].

Кейинроқ худди шу таклиф билан Саидносир Миржалилов ҳам менга мурожаат қилди. Унга ҳам рад жавоб бердим. Ундан билдимки, ташкилот Акбар Шомансур раҳбарлигида ишлаётган экан. Унинг фаолияти ишлайдиган кишилар ва маблағ етишмаслиги сабаб, факат жабрланган ташкилот аъзолари оилаларига баъзи ёрдамлар бериш билангина чекланиб қолибди. Шундай қилиб, то миллий чегараланиш ўтказилгунча ташкилот ишида бевосита иштирок этмадим. Шу сабабли ташкилотнинг бу давридаги иш фаолияти тўғрисида бирор нарса дея олмайман. Мен унинг фаолиятидаги ўзим иштирок этган баъзи бир ҳолатларгагина тўхталишим мумкин.

- 1) 1922 йилда зиёлилар орасида алифбо ва имло тўғрисидаги масала кўтарилди, уларнинг бир қисми ўша даврда муомалада бўлган алифбо имлосини ислох қилиш, бошқалари ўрталик нуктаи назарда бўлса, қолганлари лотин алифбосига ўтиш тарафдори бўлдилар. Нихоят бу уч гуруҳ ўзаро шартнома тузиши билан алифбо ва имло тўғрисидаги қелишмовчилик ҳал қилинди. Ўша пайтда оксоқланиб турган маориф соҳасидаги ишларни умумий ҳамкорлик билан яхшилаш йўлида ҳамма гуруҳлар бирлашди (шартноманинг нусхаси менда сақланарди, у тинтув вақтида мусодара қилинган қозғалар орасида бўлиши қерак). Мавжуд муаммоларимизни ошқора қилмай, уйдаги гапни қўчага қикармай «Ношри маориф» жамиятини [37] туздик. Олдин ташқил топган «Қўмақ» бу жамиятнинг бўлимига айлантирилди. Ўз ўртақизда бироз миқдорда пул йиғиб, уни қўпайтириш мақсадида «Туркистон» ширкатиға бердик. Кейинчалик ҳам тушган барча маблағ унга ўтказилиб турилди. Шоқиржон Раҳимий «Ношри маориф»нинг раиси бўлди. Мен ўринбосар эдим. Саидносир Миржалилов ҳазинадор, Қомил Алиев қотиб эди. Жамият аъзоларининг қўпчилиги Эшон Ҳўжаев, Маннон Рамзи, Охунов қабир коммунистлар бўлган, Мухитдин Усмонов, Саидносир Миржалилов ва Толибжон Мусабоев жамиятға молиявий соҳада иш олиб бориш учун қабул қилинади. Озгина вақт ўтгач, бу жамиятға шубҳаланиш билан қараш бошланди ва бу қун сайин ортиб борди. Бу жамият номи остида қандайдир махфий ташқилот яширинган деган овоза тарқатилди. Мана бу таъйик туфайли «Ношри маориф»ни тарқатиб юборишға тўғри қелди. Ҳақиқатда эса «Ношри маориф»нинг эски, умри тугаб қолган ташқилот билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Менимча, унинг биргина Саидносир Миржалиловдан бошқа бирорта ҳам аъзоси «Ношри маориф» ишида қатнашмаган. Ҳуллас, «Ношри маориф» ўзининг биринчи қундан бошлаб махаллий аҳоли орасида маданият-маърифий фаолият қўрсатиш учун ташқил топган бўлишиға қарамай, эски ташқилот туфайли қурбон бўлди.
- 2) 1922—1923 йилларда ўқувчилар орасида Москва, Туркия ва Германияға ўқишға боришни хоҳловчиларнинг сони жуда тез ортиб қетди. Уларнинг бир қисми Турк МИК тақлифи билан турли ўқув юртлариға юборилади, қолганлари эса ўз ота-оналари бағриға қайтади. Ўз маблағи ва давлат ҳазинаси ҳисобига ўқишға қетолмаганлар ёрдам сўраб, турли хил шахс ва ташқилотларға муқожаат қила бошлайди. Бу вақтда уларға ёрдам бериши мумкин бўлган «Ношри маориф» ва «Қўмақ» жамиятлари тарқатиб юборилган эди. Бир қанча ўқувчилар ёрдам беришимни сўраб менға муқожаат қилди. Бухородалигимда Туркистон ва Бухоро ўқувчилариға ёрдам берувчи жамият ташқил этилган эди. Шу мақсад учун унинг ихтиёрида қаттагина маблағ тўпланган эди. Ўқувчилар мендан ёрдам сўраганидан кейин 1922 ёки 1923 йили бу жамият орқали бир неча ўқувчиларға моддий ёрдам бериш умидида Усмон Афандиға қат ёзиб, пул беришини илтимос қилдим. Қатни унга Лазиз Азиззода орқали юбордим. Уни йўдда қамокка олишади, қат Усмон Афандиға етиб бормади.
- 3) 1923 йили май ёки июнь ойида мен Тошқентға ўртоқ Оржоникидзе ва Элиаванинг қелиши ва уларнинг мен билан қўришиш истағи борлиғи тўғрисида қабарнома олдим. Белгиланган вақтда қўрсатилган мақонға етиб бордим. У ерда ўртоқ Оржоникидзе, Элиава, Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржалилов гаплашиб ўтиришган экан, мен ҳам суҳбатға аралашдим. Обиджон Маҳмудов таниқли қизикчи эди. У ўз ҳазиллари билан Оржоникидзе, Элиава қўнглини ҳушлар, улар эса тинимсиз қулишарди. Ўртоқ Оржоникидзе шундай деб савол берди: «Гапларға қараганда Тошқентда миллий ташқилот бор, шу тўғрими?» Маҳмудов жавоб берди: «ГПУ (Бош сиёсий бошқарма — С.Х.)нинг таъқиблари бизларни йўқ ва бўлмаган нарсаларни ҳам тан олишға мажбур

этди. Хозирги пайтда миллий ташкилот йўк, факат миллий гуруҳ бор, холос».

— «Унинг канча аъзолари бор?» — деб сўради Оржоникидзе.

— «Унда туб аҳоли ва ҳукумат аъзоларининг ҳаммаси аъзо бўлиб ҳисобланади» — деб жавоб берди Махмудов. Бундай жавобга албатта ҳамма кулди. Сухбатда ҳамма саволларга Махмудов жавоб берди. Шунинг учун бутун сухбат ҳазил-мutoйиба тарзида ўтди.

Уйга кетиш олдидан, москвалик ўртоқларни Тошкент шаҳри четидаги боғлардан бирига меҳмон бўлишга таклиф қилдик. Бунга улар факат бир шарт билан, яъни уларни бу ерда миллий гуруҳ аъзолари билан таништиришимиз эвазигагина рози бўлдилар. Учрашув куни ва соати белгиланди. Бу вақтда мен меҳнат таъти-лида бўлиб, Кибрайдаги собиқ Куринов боғида оилам билан дам олаётган эдим. Бу боғ «Туркистон» ширкати томонидан сотиб олинган эди. Ўртоқларни шу боғга таклиф этдик. Кўрсатилганлардан ташкари Тўракулов билан Раҳимбоев ҳам таклиф этилди. Биринчи бўлиб, Махмудов ва Миржалилов келди. Меҳмонларга хизмат қилиш учун Асадилла Хожи Хоний, Нажмиддин Ш., Мираҳмадбой Убайдулла Кори Эргозиев ва Салимхон Тиллахонов чакирилган эди... Оржоникидзе ва Тўракулов бизга нотаниш яна бир киши билан келди. Оржоникидзе автомобилдан туша солибок Махмудовдан «миллий гуруҳ аъзолари тўплан-димми?» — деб сўради. Махмудов «ха, йигилишмоқда», — деди. «Раисни сиз ўзингиз олиб келдингиз», дея Тўракуловни кўрсатди. Бир оздан сўнг Раҳимбоев келди, уни Махмудов «миллий гуруҳнинг қотиби» дея таништирди. Шундай қилиб бу гал ҳам сухбат ҳазил-мutoйиба билан ўтди. Оржоникидзининг «гуруҳнинг ҳамма аъзолари йигилдимми?» деган саволига Махмудов, «мана булар энг фаоллари» деб, ўзини, Тўракуловни, Раҳимбоевни, Миржалиловни ва мени кўрсатиб жавоб берди. Умуман, ҳазил билан бошланган сухбат шу руҳда беш соатларча давом этди. Махмудов билан Оржоникидзе ўртасидаги қуйидаги сухбат бўлди:

Оржоникидзе: — «Сиз Фарғонада босмачилик қачон тугайди деб ўйлайсиз?» Махмудов: — «Сиз мени вазир қилиб тайинлаган куни, акс ҳолда ҳеч қачон тутамай-ди».

Оржоникидзе: — «Агар тугамаса, биз у ёққа бир дивизия юборамиз, у бутун Фарғонани текис қилади-қўяди». Махмудов: — «Сиз бир дивизия юборсангиз, мен босмачилар сонини икки дивизияга етказаман». Оржоникидзе кетиш олдидан миннатдорчилик билдир-ди. Махмудов шундай деди: — Бизда мана шундай мақол бор: «Бировдан туя сўрасанг, у кўркканидан бия беради», биз ҳам сиздан кўп сўраймиз, озгинаги-на берсангиз шунга ҳам хурсанд бўлаверамиз. Оржоникидзе унинг елкасига қоқиб: «Нима керак ўзи. Қанча керак бўлса, тортинмай сўрайвер», — деди.

Шундан сўнг меҳмонлар кетди. Боғда Тўракулов, Раҳимбоев, Махмудов ва Саидносир қолди.

Улар биргаликда талабнома ёзишди. Уни Раҳимбоев ёзди, Тўракулов таҳрир қилди. Кейинги куни хатни Махмудов миллий гуруҳ номидан ўрток Элиавага берганини билдим. Унинг мазмуни ҳозир эсимда йўк. Умуман, талабнома яхши ўйланмай, ўша учрашув таассуроти остида шоша-пиша, Обид Махмудов айтиб туриб ёздирган эди. Бу вақтда Махмудов билан Саидносирнинг («Миллий иттиҳод») ташкилот фаолиятидан қўнгли совиб, у билан алоқани уза бошлаган эди, шунинг учун ҳам сухбат чоғида ташкилот ҳақида бирор нарса дейилмади.

1929 йил 24 декабрь

* * *

...5. 1923 йилнинг охирлари бўлса керак, бир куни Бош вакф бошкармасидан шаҳарга кетаётганимда бир паст бўйли ёш йигит кузатувида Мансурхон Афғонистон консулхонасидан чикиб колди. Мен Мансурхон билан сўрашдим. У менга ёш йигитни афгон бош консулининг вақтинчалик ўринбосари деб таништирди. Ёш йигитнинг айтишича, у бу ерда (афгон) консули кетмасидан олдин котиб ёки ўринбосар бўлиб ишлаган.

Улар билан биргаликда Ўрда томонга караб кета бошладим. Йўл-йўлакай мен у йигит билан факат маориф ишлари ва вакф бўлими хақида гаплашиб кетдим. У менга Афғонистондаги ахвол, яқин орада у ерда Миён Бузрук ва Жамол Пошо билан танишгани хақида сўзлаб берди. Шу билан бирга у мендан маҳаллий зиёлиларнинг миллий ташкилотлари хақида сўради. Бу пайтда бизда бу иш қарийб тугатилган эди. У бунинг сабаби билан қизикди. Мен, биринчидан, сармоя, иккинчидан, қобилиятли фаол кишилар йўқдигини тушунтирдим. Шунингдек, бу соҳада бизга ёрдам берадиган бирорта ҳам қўшни давлат йўқлигини қўшиб қўйдим. Шунда у жуда ҳам ўпкаланди-да, биров қизариб, шундай деди: «Агар маҳаллий зиёлилар миллий ташкилот ишларини давом эттириш мақсадида консулхонага моддий ёрдам сўраб мурожаат қилсалар, уларнинг илтимосини Қобулга юборган бўлур эдик, шунда у ердан моддий ёрдам қилиши мумкин. Ҳозиргача консулхонага бу тўғрида бирорта ҳам ариза ёзишганича йўқ. Бу ерда қўшни давлатлар эмас, балки ҳаммасига ўзларингиз айбдор, сиз улардан ноўрин гина қиялпсиз».

Шундан кейин мен у йигитни учратмадим (даво-мини ўқиб бўлмади). Катъий шуни айтманки, ташкилот ўз фаолиятининг бошидан то охиригача афгон ҳукуматидан бирор танга ҳам ёрдам олгани йўқ.

6. 1924 йили Ўбайдуллаҳўжа келганидан кейин икки марта йигилиш чақирилди... Бу йигилишларда Ўбайдуллаҳўжа Россияда қандай ҳаёт кечирганлигини сўзлаб берди. Шундан сўнг катагонга учраганларга ёрдам бериш учун фонд ташкил этиш бўйича комиссия тузилади. Бу комиссия савдогарлардан хайрия йигади. Мухитдиновлардан тузуккина ёрдам тушади [38].

Йигилган пуллар, улардан тушган фойда эвазидан катагонликка учраганларга ёрдам бериб туриши шарти билан «Туркистон» матлубот жамиятига топширилади. Бирок менга жами тўпланган пулнинг миқдори, ундан жабрланганлар учун қанча ажратилгани маълум эмас. Худди шунингдек, мен Содирхон ёки бошқа қочоқларга қанча пул ажратилганлиги хақида ҳам ҳеч нима эшитмаганман [39]. Аммо Содирхон ва Лазиз Азиззодага тўпланган пулдан бир қисми юборилганлигини аниқ биламан.

1924 йилда бўлиб ўтган йигилишларга эски «Тараккийпарвар» ташкилотида бўлган жуда ҳам ишончли кишиларгина чақирилган эди. Содирхон томонидан «Миллий иттиҳод» ташкилотига жалб қилинганлардан бирортаси ҳам таклиф этилмади, чунки уларнинг қўпчилигига ишонч йўқ эди. Бу йигилишларда менимча, ташкилотни қайта тузиш ва ишни давом эттириш масаласи муҳокама қилинмади, сабаби, тўпланганларнинг ҳаммаси ташкилот ўз ишида муваффақият қозонишга ишончи қолмаган, ҳафсаласи пир бўлиб, тушқунликка учраган кишилар эди.

7. 1924 йили газеталарда миллий қайта чегараланиш хақида хабарлар пайдо бўлиши

билан бу сиёсатдан хабари бўлган ва бўлмаган ҳамма кишилар орасида муҳокама предметиға айланади. Икки-уч кишидан гурух-гурух бўлиб, кайта чегараланиш масаласи кизгин муҳокама килинди. Улар ўз фикр, мулохаза ва хулосаларини баён кила бошлайдилар.

Махаллий зиёлиларнинг кўпчилиги, улар фирка аъзоси бўлиш бўлмаслигидан катъи назар кайта чегараланишга ижобий муносабатда бўлмадилар. Баъзи бировлар бу Москванинг сиёсати бўлиб, биздан Бухоро ва Хоразмни ажратиш максadini кўзламокда деса, бошқалар эса бу сиёсат билан Англия Хиндистонни бошқариш учун унинг аҳолисини кичик миллий бўлакларга бўлиб ташлаган сиёсат ўртасида айнан ўхшашлик борлигини айтдилар.

Бухоро зиёлилари орасида Бухоро ва Хоразм мустакиллигини йўқотишидан кайгурганлар кўп бўлди. Козок зиёлилари ҳам келажакда Козогистон ва Киргизистондаги бўш ерларга рус кўчманчилари олиб келиб жойлаштирилишидан ташвишга тушдилар. Ўзбек зиёлилари махаллий хунармандлар завод ва фабрикаларга бардош беролмай, хунармандчиликни ташлаб, дехкончиликка ўтишга мажбур бўлиши, Туркистондаги ҳамма дехконларни хосилдор ерлар билан таъмин этиб бўлмаслиги ва ишсизлик пайдо бўлиши муқаррарлигидан хавфсираганлигини билдирди. Бундан ташқари, улар савдогарлар учун бозор кераклигини ҳам айтадилар. Сугориш ишини ривожлантириш, янги завод ва фабрикаларни қуриш йўли билан ишсизликнинг тугатилишига рози бўлса-да, улар бу режани яқин орада амалга оширишга ишонмадилар. Шу билан бирга улар (ўзбек зиёлилари, жадидлар) нинг баъзи бирлари кайта чегараланиш пахтачилик билан банд бўлган ва ўтроқ ҳаёт тарзига эга Ўзбекистон дехконларининг Туркменистон ва Козогистонга нисбатан иқтисодий ва марказий жихатдан тезроқ ривожланишини айтиб, бир-бирларини тинчлантира бошладилар ҳам, чунки МК миллий чегараланишни зарур деб билган экан, у буни ҳар қандай қаршилиқка қарамай амалга ошириши аниқ эди. Шунинг учун бунга қарши бўлиш фойдасиз ҳисобланарди. Яхшиси, бу масаланинг ижобий томони билан машғул бўлиш ва уни амалга оширишга интилишдан бошқа йўл йўқ эди. Зиёлиларнинг кўпчилиги ҳудди шу фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам бу шу масаладаги бошқа фикрлардан устунлиққа эга бўлди.

Ҳудди шу пайтда бир куни мени Бельский (ОГПУ бошлиги) чақириб бир неча саволларни берди. Ҳеч нарсани яширмай туриб, унга зиёлилар кайта чегараланиш ҳақидаги масалани маъқулламаётганлиги ва унинг сабабларини тушунтирдим. Шунда у мендан зиёлилар кайта чегараланишга қарши норозилик чиқишини уюштирайдими, деб сўради. Мен катъий равишда норозилик чиқиши мумкин эмас, деб айтдим. Мен ўз жавобимни зиёлиларнинг юқоридаги кўпчилиги фикрига суянган ҳолда айтдим. Ўзим ҳам айнан шу фикрда эдим. Менинг фикрим исботланди: зиёлилар ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмади, ҳукумат шундай катта ишни жуда хотиржамлик билан амалга оширишга муваффақ бўлди.

Сухбат вақтида ўрт. Бельский менга ер етишмаслиги масаласини сугориш ишларини ривожлантириш, ишсизликни тугатиш масаласини эса, янги завод ва фабрикаларни ташкил этиш йўли билан ҳал қилинишини айтган эди. Очигини айтганда, мен бу фикрга фактлар асосида ишонч ҳосил қилдим.

Мана шу 1924 йилдан мен ўзимнинг сиёсий ва ташкилотчилик ишларига қобилиятим йўқлигини сезган ҳолда, бу ишлардан воз кечиб, ўқитувчиликка ва китоблар ёзишга киришдим [40].

Ташкилотнинг тузилганлиги, унинг мақсади ва вазифалари

1. «Тараккийпарварлар иттиходи» ташкилоти ўз олдига маҳаллий аҳолининг куллиги ва нодонлигига қарши қурашиш мақсадида феврал инқилобидан сўнг жабрланган тараккийпарварларни бирлаштириш вазифасини қўйган эди.

Боқуни турклар эгаллаб олиши билан ташкилот номидан «парвар» сўзи олиб ташланади. У «Иттиходи тараккий» деб номлана бошланди. 1919 йилдаги январ воқеасидан [41] кейин бу ташкилот учун ҳолат қолмади ва тарқатилди. Бу тўғрида сизга [42] ўзимнинг олдинги ёзишларимда маълумот берган эдим...

Агар бу сизни қониқтирмаган бўлса, унга қўшимча қуйидагиларни қўрсатишим мумкин: 1) «Иттиходи тараккий» ташкилоти тузилишида унга 7 киши қирган эди. Шундан иккитаси Усмонбек ва Хайдар Афандилардан иборат турклар, иккитаси тошкентликлардан мен ва Содирхон, биттаси самарқандликлардан Бехбудий, биттаси туркман зиёлиларидан Хон Явмудский, биттаси козоклардан «Алаш» номли козок газетасининг муҳаррири (фамилияси эсимдан чиқибди) эди...

2) Ташкилот («Иттиходи тараккий»)нинг тузилиши тўғрисида: Низомга қўра ташкилот қуйидаги қўмиталардан иборат: Тошкентда Марказий Қўмита, вилоятларда вилоят қўмиталари, унча катта бўлмаган шаҳарларда бўлимлар, қишлоқларда — бўлимча (подотдел)-лар. Ҳамма қўмита, бўлим ва бўлимчаларнинг ҳар бири уч киши — раис, раҳбар ва ҳазинабонлардан иборат бўлган. Раис ҳамма ишларга жавобгар бўлган. У ўз хоҳиши бўйича ўзига раҳбар ҳазинабон белгилайди. Аъзоларнинг ҳаммаси фақат раҳбар билангина муомалада бўлган. Уларга раис ва ҳазинабоннинг исм-шарифлари ҳам билдирилмаган. Умуман, қўмитада раис қилиб Усмонбек ва раҳбар бўлиб Хайдар Афанди сайланган.

Иш билан жуда банд бўлганлигимни баҳона қилиб, ҳазинабонликка рози бўлмадим. Кейин раисдан ўз хоҳишига қўра мажбурий равишда бизлардан биримиз мени ёки Садриддинхонни ҳазинабон қилиб танлаши илтимос қилинди. У Садриддинхонни танлади.

Уюшма (ташкилот) тузишни Самарқандда Бехбудийга, Фарғонада Мирзохидга, Туркменистонда Хон Явмудскийга, Ёттисувда («Алаш») козок газетасининг муҳарририга топширилади. Бу вақтда (Файзулла) Хўжаев Ленинградда эди. Бу йигилишдан бир оз вақт ўтгач октябр инқилоби юз берди.

Кейин мухторият («Туркистон мухторияти») билан боғлиқ воқеалар бошланди, оқибатда ўз ходимларимиздан ажралиб қолдик. Шу сабабли Усмонбек йигилиш чакирди, унда Убайдулла Хўжаев, Саъдулла Хўжа, Отахон Содирхон, мен, Хайдар ва яна уч киши қатнашди. Ҳамма номма-ном ташкилот аъзоси бўлиб ёзилади. Бу ё 17, ё 18 йилнинг охириларида бўлиб ўтади. Шундан кейин ташкилот қонлана бошлайди ва қон жихатидан ўса боради.

3. Ташкилотга қирувчилардан «Тараккийпарвар»га ишонч бўлиши ҳамда ҳеч қандай иққиланмасдан, қони ва қолини ҳам аямасдан топширикни бақариш талаб этилади. (Ташкилотга) аъзо бўлувчилар қўлида Қуръони Қарим ва револьверни ушлаб туриб қасамёд қилади.

Орадан 3—4 ой ўтгач, Усмонбек камокка олинади, унинг ўрнига раис этиб Юсуф Зиябек тайинланади. Шу вақтда рухонийлар ўзларининг икки вакили — Нуритдинбек ва Худоёрхоновни Туркияга юбораяпти, деган гап таркалади. Бу хабарнинг овозаси Юсуф Зиябекка етиб бориши билан, у шошилиш равишда мажлис чакиради. Унда мен, Саъдуллаҳўжа ва бошқа бир неча кишилар катнашдик. Мажлисида Юсуф Зиябек ўз тахминларини айтди. Унингча, рухонийларнинг Англия билан алоқаси бор. Агар олдин бўлмаган бўлса, улар энди ўз делегатлари орқали алоқа боғламоқчи. Англия эса Туркистонга кўз кирини ташлаб турибди. Шунинг учун ҳам делегатлар таркибига эски хон уругидан Нуритдинбекни киритганлар.

Юсуф Зиябек тушунтирдик, агар Туркистон Англия кўлига ўтиб қолса, унда озод бўлиш учун ҳеч қандай умид қолмайди. Шунинг учун у тезликда рухонийларнинг делегатларига қарши «Тараккийпарвар» номидан Туркияга ўз делегатларимизни юборишни таклиф этади. Буни у жуда жадаллик билан амалга оширишни, акс ҳолда эса вақтдан ютказиб қўйилишини таъкидлайди.

Содирхон ва Саидносир (Миржалилов) вакил қилиб танланади. Раис маслаҳатлашиб олганидан кейин рухонийлар делегатларига қарши ҳаракат режасини эълон қилишга ваъда беради. Шу билан бирга раисга Туркистон мухториятига ёрдам бериш, Туркистонга ўқитувчилар юбориш ҳақида Туркия ҳукуматига қандай қилиб мурожаат қилиш масаласини ҳам ўйлаб қўриш топширилади.

Шундан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай, рухонийлар делегатлари орқасидан «Тараккийпарвар» делегатлари ҳам йўлга чиқади. Уша вақтда ҳақиқатдан ҳам Туркистонга Англия таъсирининг ҳавфи кучли эди.

Делегатлар Истамбулга «Тараккийпарварлар» ҳукумати ағдарилган ва Истамбул овруполик империалистлар томонидан ишғол қилинган бир пайтда етиб келади. (Бу ердаги) «Тараккийпарвар» бошлиқлари эса қочиб кетган эди. Шу сабабли бизнинг делегатлар Юсуф Зиябек назарда тутган одамларни топа олмасдан, ҳеч қандай натижасиз қайтиб келади [44]. Рухонийларнинг делегатлари ҳақида бирор хабар олганим йўқ.

4. «Тараккийпарвар» ташкилотининг асосий вазифаси Туркистон аҳолисини қуллик ва нодонликдан озод қилишдан иборат бўлган. Умуман, ташкилот ва унинг бошлиқлари бу вазифани шўро ҳукумати яшаб қолса, у орқали амалга оширилишига шубҳаланмас эди. Шунинг учун ҳам унинг яшаб қолишини чин юракдан хоҳлайди. Хатто ташкилот аъзоларининг вазифаларига шўро ҳукуматини ҳимоя қилиш киритилган эди. Унга нисбатан ўша вақтда иккиланиш ҳам бор эди, чунки у ҳар томонлама душманлар қуршовида бўлган. Шўро ҳукумати тугатилиб, унинг ўрнига оқлар ёки меньшевиклар ҳукумати келади, Туркистон яна олдингидек нодонлик қўлида қолади, деган шубҳалар ҳам бор эди. Туркистон Англия кўлига тушиб қолиш ҳавфи ҳам йўқ эмас эди.

Булар бизни ташвишлантиради, шунинг учун ҳам ташкилот фаолиятини қучайтириш, шўро ҳукуматидан фойдаланиб қолишга қарор қилдик. Шўро ҳукумати миллий мухторият тарафдори, Туркистонни қенг мухторият бошқарув аппарати билан таъминлайди ва буни қўшни давлатлар томонидан тан олдиришга муваффақ бўлади, деган умидда эдик.

Бордию, шўро ҳукумати йиқиладиган бўлса, унинг ўрнига чиқади деб тахмин қилинган меньшевиклар ёки оқлар билан қуралишга тайёр бўлиш, Туркистон мухториятини қутқариш керак эди. Агар шўро ҳукумати ўзини тутиб қололса, ташкилотнинг мақсади Туркистонни маданий тараккиётга олиб чиқиш, Туркистон аҳолиси ҳукукини овруполикларники билан тенглаштириш, шу билан бирга мустамлакачилик унсурлари

колдиклари ва уларнинг тарафдорлари бўлган эски бой ва рухонийлар билан кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи керак эди.

Келажакда аҳолининг маданий тараққиётига қараб, шўро ҳукумати берган ўша мухториятни кенгайтиришга, (бошқарув) апаратини маҳаллийлаштиришга ҳаракат қилиш. «Иттиҳоди тараққий»нинг максад ва вазифаси мана шулардан иборат эди. Менимча, буни «Иттиҳоди тараққий»нинг ҳамма фиркали ва фиркасиз аъзолари тасдиқлайди.

5. Содирхон ҳеч қандай натижасиз қайтиб келганидан кейин Зиябек ўша олдинги мақсад бўйича энди Истамбулга ўта кучли миссия (махсус топшириққа эга бўлган вакилларни) юбориш масаласини кўтарди. Унга тошкентликлардан Убайдуллаҳўжа (Асадуллаҳўжаев), Саидносир (Миржалилов), самарқандликлардан Бехбудий, Мардонкул ва яна бир киши қиради. Охириги уч самарқандлик йўлда Бухоро амири (одамлари.) томонидан ушлаб олиб ўлдирилади [45]. Убайдулла Москвада, Саидносир эса Тифлисида яширинишга муваффақ бўлди. Кейин уларнинг иккаласи ҳам қайтиб келади. Кўрсатилганлардан бирортаси ҳам Туркияга етиб бормайди. 1919 йил январь воқеасидан сўнг большевой фиркаси мустаҳкамланиб олгач, ташкилотнинг кўпчилиги аъзоларида кўмитага бўйсуниб пасая бошлайди. Фирка (большевой) ҳамма ишни ўз қўлига ола бошлайди, ташкилот қўлида эса ҳеч нима қолмайди. Маҳаллий зиёлиларнинг қарийб ҳаммаси шўро иши билан машғул бўлади, натижада ташкилот ўз ходимларидан ажралиб қолади. Бунинг устига Туркиядаги «Иттиҳоди тараққий» ташкилоти ҳам тарқатиб юборилади.

Буларнинг ҳаммаси Зиябекни ташкилотни тарқатиб юборишга мажбур қилади. Бу ташкилотнинг ўрнига бошқа, «Бирлик» ташкилоти тузилади. Унинг мақсади ёшларни фиркага жалб этишдан иборат бўлди.

давоми бор